

Айрим қурилиш ташкилотларида махсус ўқув курсларида ўқимаган, билимлари ўз вақтида текширувдан ўтмаган кран ҳайдовчилари ва машинистлари бахтсиз ҳодисалар, авария ва турли нохуш ҳолатларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлиб қолишмоқда.



Меҳнат хавфсизлиги

# Автокранлар талаб даражасидами?

Барча жабҳаларда бўлганидек, қурилиш соҳасида ҳам тубдан ўзгаришлар давом этмоқда. Бунёд этилаётган намунали уй-жойлар, осмонўпар бинолар фикримизнинг яққол далилидир. Замон талаблари даражасида қурилиб ишга туширилаётган иншоотлар, корхона-муассасаларда самарадорлиги юқори бўлган юк кўтариш кранларининг ҳам хизмати бор.

Бироқ айрим тадбиркор ва қурилиш ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг техника хавфсизлиги тўғрисидаги ҳужжатлари талабларига зид ҳолда иш олиб борилаётгани ёки хавфсизлик қоидаларига риоя этилмаётган ҳолатлар учраб турибди. Бундай ҳолларда улар инсон тақдири хавф остида қолишини унутиб қўйишмоқда.

Айрим қурилиш ташкилотларида махсус ўқув курсларида ўқимаган, билимлари ўз вақтида текширувдан ўтмаган кран ҳайдовчилари ва машинистлари бахтсиз ҳодисалар, авария ва турли нохуш ҳолатларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлиб қолишмоқда. Масалан, 2017 йил 13 октябрь куни соат 16.00 ларда «Boysun Oxangaronsoy» хусусий корхонасида иш вақтида юк кўтариш ишларини бажариш жараёни автокран троси узилиб кетиши натижасида 1998 йилда туғилган ишчи Рустам Шайдуллаев ҳалок бўлиши билан якунланди.

Мана сизга эътиборсизлик. У қанчалик қимматга тушди. Ушбу корхонадаги яна бир ҳодиса, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги Ибн Сино кўчасида қурилаётган янги кўп қаватли уй-жойда олиб борилаётган иш жараёнида МАЗ русумли автоуловда олиб келинган ғиштни паддонга солиб автокран ёрдамида учинчи қаватга кўтариш жараёнида кран троси узилиб кетиб, бир инсон ғишт ортилган паддоннинг тагида қолиб жабрланади. Шундай ҳолат 2017 йил 11 апрелида «Навоий ТМК» ДКнинг «Маржонбулоқ» кони олтин ажратиш цехи юкларини кўтариш-тушириш ишлари олиб борилаётган пайтда, 2017 йил 11 сентябрда «Навоий Азот» АЖнинг 002-сонли цехида минорали кран ёрдамида режали таъмирлаш ишлари олиб борилаётган вақтда – юкни тушириш пайтида содир бўлган. Хайриятки, бу воқеалардан ҳеч ким жабр кўрмади.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш, бахтсиз ҳодисалар содир бўлмаслиги учун ҳар бир техникани ўз вақтида техник кўрикдан ўтказиш ва ҳайдовчи, хизматчиларнинг техника хавфсизлиги қоидалари тўғрисида огоҳлантириб турилиши мақсадга мувофиқдир.

**Фахриддин БОБОНОРОВ,**
**«Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекцияси Самарқанд минтақавий инспекцияси бошлиғи ўринбосари.**

Яширишнинг ҳожати йўқ, бир пайтлар юртимиздаги кўпгина жойларга унинг географик ўрни, тарихи, кишилар турмуш тарзига мутлақо номуносиб номлар берилганди.

# Жойларга ном бериш – тарихни эслаш демак

Собиқ шўролар тузуми даврида ҳукм сурган мафкурага асосан атамалар ўша жой тарихи, маданияти, урф-одатлари билан мутлақо қовушмайдиган ҳолатда мажбуран «тиқиштирилгани» боис шунчаки «ёрлиқ» вазифасини ўтар, кишилар қалбидаги эзгу ҳис-туйғулардан батамом йироқ эди. Айрим шаҳару қишлоқлар, туман ва маҳаллаларга халқ ўртасида, давлат миқёсида эътироф этилмаган «шахс»лар номини қўйиш расм бўлган эди.

Истиқлол туфайли қадриятларимиз тиклангач, бундай иллатларга чек қўйила бошлади. Эндиликда топономик номлар тарихий жиҳатдан мантиқий асосга эга бўлиб, халқимизнинг бой ўтмиши, маънавий мероси билан чамбарчас боғлиқлиги билан алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Жумладан, Тошкентнинг Чорсу, Бешёғоч, Хадра, Ўрда, Кўкча, Оқтепа каби даҳа номлари кишида илиқ таассурот уйғотади. Бу номларни эшитган киши унинг келиб чиқиш тарихига қизиқиши табиий. Қолаверса, йиллар ўтиб бу жойларда юз берган бунёдкорлик ишлари кишиларда фахр туйғусини уйғотади.

Қўшкўпир туманидаги Ўртаёп қишлоғи бир пайтлар «Коммунизм» дея номланган бўлса, Хадра қишлоғи Чапаев, «Қотоғон» деган қишлоқ эса Жданов номи билан аталган. Шунингдек, ризқ-рўзи деҳқончилик, чорвачиликдан иборат бўлган «Чеккашоликор», «Чолиш» номли қишлоқларга эса Энгельс, Маркс номи берилган эди.

Хива туманидаги «Гандимиён» қишлоғи узоқ тарихга эга бўлиб, бундай номланишининг ўзида катта ҳикмат бор. Айтишларича, қадимда икки ака-ука бўлган экан. Бири уйланган, серфарзанд, иккинчиси эса бўйдоқ. Буғдой ўрими тугалланиб, икки ака-ука ҳосилни теппа-тенг бўлишибди. Бироқ аканинг кечаси уйқуси қочибди. Ярим кечаси уйғониб, «Укам ҳали уйланмаган, тўй қилиши керак. Унга кўпроқ бўлсин», дея инисининг буғдойига ўз улушидан қўшиб қўйибди. Тонгга яқин укаси уйқудан уйғониб, «Акам серфарзанд бола-чақа боқиш осон эмас. Акамга кўпроқ бўлсин», деб акасининг уйи олдига ўз улушидан қўшиб кўпайтириб қўйибди («гандим» буғдой деган маънони англатади). Шунда ғойибдан «Бундай меҳр-оқибатли одамлар юрти буғдойга кон бўлсин» деган садо келибди. Шу тариқа «гандим» сўзига «кон» сўзи қўшилиб, «Гандимкон», сўнг оғиздан-оғизга кўчиб, сайқал топиб, ихчамлашиб, «Гандимиён» тарзида ифода қилиниб келинар экан.

Ана шундай сермаъно, ибратга лойиқ тарихга эга қишлоқ номи шўролар тузуми пайтида «Партия XXII съезди» деб ёки қисқартирган ҳолда «партсъезд» дея номланадиган бўлди. Эндиликда ушбу қишлоқ яна ўзининг тарихий номи билан «Гандимиён», дея атала бошланди.

Бугунги кунда Хоразм вилоятида 500 дан ортиқ топономик объект – маҳалла, кўча, мактаб, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртлари муассасалари, маданият ва истироҳат боғлари, бекатлар, корхона, ташкилотлар мавжуд. Истиқлол йилларида вилоятдаги юздан ортиқ маҳалла, уч юздан зиёд кўча, кўплаб корхона-ташкилотлар, ўқув юртлари номлари ўзгартирилди. Бунда «Географик объектлар номлари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ бериладиган ном шу ҳудудга хос бўлган белгиларни акс эттириши, мазкур географик объект жойлашган ердаги маҳаллий аҳоли фикр-мулоҳазалари инобатга олинган ҳолда қоидага кўра учта сўздан иборат бўлишига алоҳида эътибор берилди.

Жумладан, Урганч шаҳридаги Жалолиддин Мангуберди, Хивадаги Огаҳий, Феруз, Комил Хоразмий, Қўшкўпир туманидаги Маҳмуд Аз-Замаҳшарий, Боғотдаги Оқтепа, Янгибозордаги Боғолон, Халқобод, Янгиариқдаги Гулобод, Остона, Шоводтаги Комилжон Отаниёзов, Бешмерган, Ҳазораспдаги Янгиобод, Бўстон, Ҳонқадаги Сарапоён, Амударё каби маҳалла, кўча ва хиёбонларга берилаётган номлар айнан халқимиз руҳи, табиати ва урф-одатларига монанд равишда атала бошлангани айни муддаодир.

**Меҳрибон ИСМОИЛОВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

**БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

## Фарғона вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси тендер савдоси эълон қилади!

**Объектлар номи:**

1. «Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Қизилтепа ҚФЙдаги «Олтиариқ» санаториясининг мавжуд бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ва 100 ўринли ётоқхона корпуси қурилиши».

**Бошланғич нархи:**
15 772 523 646 сўм ҚҚС билан;
13 143 769 705 сўм ҚҚС сиз.

**Қурилиш-монтаж ишлари:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

2. «Фарғона вилояти, Марғилон шаҳридаги эндокринология диспансерини Фарғона туманига кўчириб қуриш ишлари» (120 ўринли жарроҳлик блоки ва даволаниш корпуси билан, 100 қатновли поликлиника ва бошқа объектлари).

**Бошланғич нархи:**
14 763 657 724 сўм ҚҚС билан;
12 303 048 103 сўм ҚҚС сиз.

3. «Фарғона вилояти, Фарғона шаҳридаги юқумли касалликлар шифохонасини реконструкция қилиш ишлари» (45 ўринли даволаниш корпуси, лаборатория ва дезкамер блокини қуриш, 45 ўринли 1-сонли ва 50 ўринли 2-сонли даволаниш бинолари ва бошқа объектларни реконструкция қилиш ишлари).

**Бошланғич нархи:**
10 693 125 337 сўм ҚҚС билан;
8 910 937 780 сўм ҚҚС сиз.

**Объектларни топшириш муддати:** 434 кун.

**Қурилиш-монтаж ишлари:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**Манзил:** Фарғона шаҳри, «Темирйўл» кўчаси, 37-уй.

**Тел.:** (0 373) 244-55-64, 244-55-61.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:** ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малака, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағи ёки бундай маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятлар, ишчи кучи ресурслари, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга, таъсис этилганига 6 ойдан кам бўлмаган тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

**Савдога қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси** – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Фарғона вилояти ҳудудий консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 36-уй.

**Телефон/факс:** (373)244-68-90 (92), +99898-276-25-48

**Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи** – 120 000 сўм.

Таклиф (оферта)лар савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда таклифларни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

**Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Фарғона шаҳри, «Темирйўл» кўчаси, 37-уй.

# «ZAR AUKSION» МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**2018 йил 21 август куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, 5-сонли давлат нотариал идорасининг 2018 йил 5 июль ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) «Hamkor kredit» МЧЖ томонидан аукцион савдоларига қўйилмоқда:**

1. 1-2И 1440-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 405 549,98 сўм.
2. 1-2И 1441-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 930 075,50 сўм.
3. 1-2И 1442-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 397 895,38 сўм.
4. 1-2И 1443-ижро хатига асосан 3 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 284 484,40 сўм.
5. 1-2И 1444-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 3 836 229,20 сўм.
6. 1-2И 1445-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 015 133,66 сўм.
7. 1-2И 1446-ижро хатига асосан 4 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 426 247,90 сўм.
8. 1-2И 1447-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 859 193,60 сўм.
9. 1-2И 1448-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 142 720,90 сўм.
10. 1-2И 1449-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 816 664,52 сўм.
11. 1-2И 1450-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 071 839,00 сўм.
12. 1-2И 1451-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 660 724,46 сўм.
13. 1-2И 1452-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 759 959,18 сўм.
14. 1-2И 1453-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 646 548,20 сўм.
15. 1-2И 1454-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 575 666,30 сўм.
16. 1-2И 1455-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 178 728,32 сўм.
17. 1-2И 1456-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 405 549,98 сўм.
18. 1-2И 1457-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 5 679 155,90 сўм.
19. 1-2И 1458-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 199 426,24 сўм.
20. 1-2И 1459-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 788 311,70 сўм.
21. 1-2И 1460-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 660 724,46 сўм.
22. 1-2И 1461-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 178 728,32 сўм.
23. 1-2И 1462-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 171 073,42 сўм.
24. 1-2И 1463-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 674 901,02 сўм.
25. 1-2И 1464-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 552 202,01 сўм.
26. 1-2И 1465-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 192 904,58 сўм.
27. 1-2И 1466-ижро хатига асосан 9 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 5 679 155,90 сўм.
28. 1-2И 1467-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 433 902,80 сўм.
29. 1-2И 1468-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 289 532,25 сўм.
30. 1-2И 1469-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 859 193,60 сўм.
31. 1-2И 1470-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 859 193,60 сўм.
32. 1-2И 1471-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 651 729,81 сўм.
33. 1-2И 1472-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 575 666,30 сўм.
34. 1-2И 1473-ижро хатига асосан 3 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 6 961 383,32 сўм.
35. 1-2И 1474-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 759 959,18 сўм.
36. 1-2И 1475-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 611 351,72 сўм.
37. 1-2И 1476-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 717 430,10 сўм.
38. 1-2И 1477-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 377 197,46 сўм.
39. 1-2И 1478-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 433 902,80 сўм.
40. 1-2И 1479-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 142 720,90 сўм.
41. 1-2И 1480-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 448 079,06 сўм.
42. 1-2И 1481-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 547 313,78 сўм.
43. 1-2И 1482-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 504 784,70 сўм.
44. 1-2И 1483-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 071 839,00 сўм.
45. 1-2И 1484-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 504 784,70 сўм.
46. 1-2И 1485-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 306 315,56 сўм.
47. 1-2И 1486-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 015 133,66 сўм.
48. 1-2И 1487-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 638 893,30 сўм.
49. 1-2И 1488-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 575 666,30 сўм.
50. 1-2И 1489-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 363 020,90 сўм.
51. 1-2И 1490-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 717 430,10 сўм.
52. 1-2И 1491-ижро хатига асосан 3 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 135 066,00 сўм.
53. 1-2И 1492-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 412 071,64 сўм.
54. 1-2И 1493-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 632 371,94 сўм.
55. 1-2И 1494-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 000 957,10 сўм.
56. 1-2И 1495-ижро хатига асосан 3 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 525 482,62 сўм.
57. 1-2И 1496-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 646 548,20 сўм.
58. 1-2И 1497-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 759 959,18 сўм.
59. 1-2И 1498-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 227 779,06 сўм.
60. 1-2И 1499-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 135 066,00 сўм.
61. 1-2И 1500-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 930 075,50 сўм.
62. 1-2И 1501-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 292 139,30 сўм.
63. 1-2И 1502-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 618 195,38 сўм.
64. 1-2И 1503-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 426 247,90 сўм.
65. 1-2И 1504-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 178 728,32 сўм.
66. 1-2И 1505-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 996 394,70 сўм.
67. 1-2И 1506-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 142 720,90 сўм.
68. 1-2И 1507-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 199 426,24 сўм.
69. 1-2И 1508-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 859 193,60 сўм.
70. 1-2И 1509-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 135 066,00 сўм.
71. 1-2И 1510-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 815 531,28 сўм.
72. 1-2И 1511-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 3 056 529,50 сўм.
73. 1-2И 1512-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 426 247,90 сўм.
74. 1-2И 1513-ижро хатига асосан 4 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 843 884,10 сўм.
75. 1-2И 1514-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 851 538,70 сўм.
76. 1-2И 1515-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 433 902,80 сўм.
77. 1-2И 1516-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 292 139,30 сўм.
78. 1-2И 1517-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 993 302,50 сўм.
79. 1-2И 1518-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 717 430,10 сўм.
80. 1-2И 1519-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 717 430,10 сўм.
81. 1-2И 1520-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 000 957,10 сўм.
82. 1-2И 1521-ижро хатига асосан 3 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 114 368,08 сўм.
83. 1-2И 1522-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 306 315,56 сўм.
84. 1-2И 1523-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 568 011,70 сўм.
85. 1-2И 1524-ижро хатига асосан 4 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 4 899 456,20 сўм.
86. 1-2И 1525-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 717 430,10 сўм.
87. 1-2И 1526-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 646 548,20 сўм.
88. 1-2И 1527-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 363 020,90 сўм.
89. 1-2И 1528-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 000 957,10 сўм.
90. 1-2И 1529-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 674 901,02 сўм.
91. 1-2И 1530-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 7 380 319,10 сўм.
92. 1-2И 1531-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 462 255,62 сўм.
93. 1-2И 1532-ижро хатига асосан 3 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 114 368,08 сўм.
94. 1-2И 1533-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 632 371,94 сўм.
95. 1-2И 1534-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 3 311 703,98 сўм.
96. 1-2И 1535-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 355 366,30 сўм.
97. 1-2И 1536-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 334 668,38 сўм.
98. 1-2И 1537-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 277 962,74 сўм.
99. 1-2И 1538-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 816 664,52 сўм.
100. 1-2И 1539-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 985 647,60 сўм.
101. 1-2И 1540-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 575 666,30 сўм.
102. 1-2И 1541-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 901 722,68 сўм.
103. 1-2И 1542-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 802 488,26 сўм.
104. 1-2И 1543-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 142 720,90 сўм.
105. 1-2И 1544-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 8 797 955,30 сўм.
106. 1-2И 1545-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 221 257,40 сўм.
107. 1-2И 1546-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 043 486,18 сўм.
108. 1-2И 1547-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 504 784,70 сўм.
109. 1-2И 1548-ижро хатига асосан 3 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 412 071,64 сўм.
110. 1-2И 1549-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 462 255,62 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан «Hamkor kredit» МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Фарғона йўли» кўчаси, 2-уй, 75-хона.

Юқоридаги мулклар 2018 йил 21 август куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар жума кунлари соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-мавзе, 1-уй, 65-хонадон.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «ZAR AUKSION» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 9007 9396 0001 АТБ «Турон банк» Юнусобод филиали МФО 01144 СТИР 305 014967.

**Шунингдек, қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**аукцион савдосида қатнашиш учун**

**– юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**– жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартиба расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш учун манзил:**
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани. 13-мавзе, 1-уй, 65-хонадон.
**Мурожаат учун тел.:** (0-371) 224-86-67.

**Электрон почта:** zarauction@yandex.ru

*536412 рақамли гувоҳнома.*

«MetalProcessing» қўшма корхонасида 35 киши иш билан таъминланди. У тўла қувват билан иш бошлагач, мутахассислар сони 60 нафарга етиб, йилига 760 тонна металлни қайта ишлаш имконияти пайдо бўлади.



# Дўппини бир айлантиргунча...



(Давоми. Боши 1-бетда)

1000 дан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган бу маҳаллада собиқ паррандачилик фабрикаси ишчилари учун қурилган 5 та икки қаватли уй ҳудуднинг кўрки, қишлоқ аҳлининг фахри эди. Чунки, барча қулайликлар яратилган бундай хонадонларда яшаш ўша пайтларда ҳам кўпчиликнинг орзуси эди-да. Афсуски, хўжасизлик оқибатида кўп қаватли уйларга коммунал хизмат кўрсатиш тизими издан чиқиб, улар хароба аҳволга тушиб қолди.

«Обод қишлоқ» дастури асосида амалга оширилган ишлар туфайли бугун мазкур маҳалла бутунлай янгича қиёфа касб этди, маиший шароитлар яхшиланди. Кўп қаватли уйларнинг том қисми шиферланиб, кириш эшиклари алмаштирилди, ҳудудга ичимлик суви тармоғи тортилди. Ҳовли атрофи девор билан ўралди. Ҳовлида тандирхона ва бошқа умумфойдаланиш учун маиший-хўжалик қурилмалари барпо этилди. Уйлар ўртасидаги майдонларга 200 тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, турфа гуллар экилди. Боғ ва гулзорлар ташкил қилинди.

– Лойиҳа кўлами янада кенгайиб, умумий ишлар ҳажми 7 миллиард сўмликдан зиёд бўлиши кўзда тутилмоқда, – дейди Уйчи тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи, 4-сектор раҳбари Р. Отахонов. – Жумладан, ҳудуддаги 15-умумтаълим мактаби, 39-мактабгача таълим муассасаси тубдан таъмирланади. Канализация тармоғи тортилади, 4 километрдан кўпроқ йўлга асфальт ётқизилади.

Аммо, бунёдкорлик ишлари маромида кетаётган ҳудудлар билан бирга, ҳали ишлар нисбатан суст ҳудудлар борлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Хусусан, Мингбулоқ туманининг Мулкобод ва Кичик Жомашўй маҳалласида «Обод қишлоқ» дастури ижросига кечроқ киришилгани бажарилган ишлар кўламидан ҳам кўриниб турибди.

Тўғри, Кичик Жомашўй маҳалласида ҳар ҳолда дастурда белгиланган лойиҳалар ижроси кўзга ташланиб қолган. Масалан, энг асосий ижтимоий объект – 9-мактабгача таълим муассасасида А. Ёқубов раҳбарлигидаги «Оромгоҳтаянчи» МЧЖ қурувчилари мавжуд биноларнинг ички қисми ва ташқарисида пардозлаш ишларини амалга оширмоқда. Бинонинг том қисмини таъмирлаш, эшик-ромларни янги – замонавийсига алмаштириш, ҳудуд майдонига асфальт қопламаси ётқизиш каби умумий қиймати 500 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳам бажарилади.

– Боғчамизни таъмирлаш ишлари май ойининг илк кунлари ҳашар йўли билан бошланган, – дейди 9-МТМ мудираси Ш. Турғунова. – Лойиҳа бўйича қурувчи ташкилот эса асосан 17 июндан иш бошлади. Таъмирлаш ишлари юришиб кетди, кун сайин натижалар кўзга кўринмоқда. Президентимиз раислигида куни кеча шу масалага бағишлаб ўтказилган видеоселектордан кейин вилоят ва туман раҳбарияти яна бир бор келиб, ҳолатни ўрганди.



Ш.Турғунова билан суҳбат асносида маълум бўлишича, боғчанинг алоҳида мусиқа ва спорт зали ҳам таъмирталаб, бундан ташқари, оқова сув тармоғи аллақачон яроқсиз ҳолга келган, боғча қозонхонасидаги иситиш қозони янгиланган, лекин иссиқлик узатиш тармоғи эскилигидан янги қозон ҳам иш бермайди. Спорт зали, оқова сув ва иситиш тармоқларини таъмирлаш эса дастур доирасидаги таъмирлаш лойиҳасига киритилмаган.

– Қурувчилар спорт зали ва оқова сув тармоғини таъмирлашга маблағ етмайди, дейишмоқда, – дейди Ш. Турғунова ЎзА мухбири Акромжон Сатторов билан суҳбатда. – Лекин кеча келиб кетган раҳбарлар бу иншоотларни ҳам лойиҳага киритиб, қўшимча маблағ манбаини топиш тўғрисида маслаҳатлашиб кетишди. Албатта, шунча катта ишлар орасида шу икки муаммо ҳам ечим топса, яхши бўлар, боғчамиз бугунги кун талабига жавоб берадиган намунавий муассасалардан бирига айланар эди.

Ҳа, яна бир муаммо: боғчага шу вақтга қадар ичимлик суви ташиб келтирилар экан. «Обод қишлоқ» дастурида эса, Кичик Жомашўй маҳалласида 13 километрлик сув тармоғини таъмирлаш кўзда тутилган. Шу баҳона бу масканга ҳам сув тармоғи тортилиб, кичкинтойлару тарбиячилар зилол сувдан баҳраманд бўлишса, ажаб эмас.

Рости, ҳудуддаги 9-мактабгача таълим муассасаси ва 15-умумтаълим мактабидан бошқа жойда «Обод қишлоқ» дастури ижросига хос қайноқ меҳнат манзарасига дуч келмадик. Дастур асосидаги ишлар мустақиллик байрами арафасида якунланиши ва бино-иншоотлар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган бўлса-да, туман ҳокимлигидан олинган маълумотларга кўра, бажарилганидан ҳали бажарилмаган ишлар кўп. Жумладан, маҳаллада яшовчи 300 нафар фуқаронинг уй-жойини таъмирлаш бўйича режа 2 июлгача 60 фоизга, 3 километрдан зиёд пиёдалар йўлакчасига асфальт ётқизиш 30 фоизга, 86 та кўча чироқларини ўрнатиш 40 фоизга бажарилган. Лойиҳада белгиланган 13 километрлик ичимлик суви тармоғидан атиги 2 километрдан кўпроғи тортилган, холос. Лойиҳада йўл бўйида ташкил этилиши кўзда тутилган 8 километрлик гулзорнинг бор-йўғи 1 километри қилинган, сабаби, маҳаллий бюджет ва ички имкониятлардан молиялаштирилиши керак бўлган бу лойиҳага ҳали маблағ ажратилмаган.

Бундан ташқари, маблағ масаласи ҳал этилмагани сабабли 13 километр узунликдаги ичимлик суви тармоғи, 6 та тозалаш иншооти ва оқова сув ҳандақларини таъмирлаш бошланмаган. 10 километр автомобиль йўлига ҳашар йўли билан шағал ётқизилганича асфальтланмай, электр тармоғини тортиш бўйича симёғочлар ўрнатиб қўйилганича сим тортилмай турибди. Маҳалла фуқаролар йиғини биносини қуриш учун ажратилган ер майдонида маблағ йўқлиги боис иш тўхтаб қолган. Айниқса, маблағи ҳал этилган қишлоқ қабристонини таъмирлаш ишлари ҳамон бошланмаганини қандай изоҳлаш мумкин?



Олтинкўл қишлоғидаги Мулкобод маҳалласида «Обод қишлоқ» дастури ижроси ҳақида сўз юритиладиган бўлса, Кичик Жомашўй маҳалласида кузатилган ҳолатларнинг у ёки бу тарздаги такрори бўлиб қолади.

Биз бу билан Мингбулоқ туманида «Обод қишлоқ» дастури ижросини таъминлаш борасидаги ишлар мутлақо ўз ҳолига ташлаб қўйилган, деган фикрдан йироқмиз. Маҳаллий ҳокимлик қарори билан манзилли дастурлар тасдиқланган, лойиҳалар бўйича таклифлар берилган ва ишлар бошланган, муайян натижаларга эришилмоқда ҳам. Фақат айтмоқчимизки, вақт ғанимат, бошланган ишларни жонлантириш лозим. Акс ҳолда, халқ ибораси билан айтганда, «Дўппини бир айлантиргунча» мустақиллик байрами ҳам келиб қолади. У ёғи эса ёғин-сочинли кунлар...

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида Европа стандартлари асосида тўқимачилик жиҳозлари учун бутловчи қисмлар ва металл конструкциялар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «MetalProcessing» қўшма корхонаси иш бошлади.



# Металлни қайта ишловчи корхона иш бошлади

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги масъуллари, Швейцария федерал иқтисодиёт, таълим ва илмий тадқиқотлар вазири Йоҳанн Шнайдер-Амман бошчилигидаги делегация, туман ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, замонавий технологиялардан фойдаланиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган ишлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

Янги корхонада 35 киши иш билан таъминланди. У тўла қувват билан иш бошлагач, мутахассислар сони 60 нафарга етиб, йилига 760 тонна металлни қайта ишлаш имконияти пайдо бўлади. Енгил саноат корхоналари учун эҳтиёт қисмлар етказиб бериш билан шуғулланадиган мазкур завод келгусида талабга қараб бошқа соҳалар учун ҳам зарур деталлар ишлаб чиқаради.

– Замонавий металлни қайта ишлаш соҳаси мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга, – дейди корхонанинг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи У. Ваҳобов ЎзА мухбири А. Мусаев билан суҳбатда. – Ушбу технологик тизим 1 дан 12 миллиметргача бўлган металл листларга турли шаклда ишлов бериш имкониятига эга. Корхонамиз биринчи босқичда 600 турдаги, тўлиқ ишга тушгач эса 1 минг 24 турдаги детални тайёрлашга ихтисослашади.

Ҳозир заводда 6 та махсус бўлим фаолият юритмоқда. Жумладан, тайёрлов қисми, юқори сифатли лазерда кесиш, пайвандлаш, кукунли бўяш тизими ва сифат назорати каби бўлимларда иш қизғин. Лойиҳа биринчи навбатда ички бозор эҳтиёжини қондиришга мўлжалланган. 2020 йилдан экспортни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Тадбир якунида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ва «Rieter Group» компанияси ўртасида Ўзбекистон енгил саноат тармоғи корхоналарига корпоратив менежментни жорий этиш бўйича меморандум имзоланди.

## Сообщение Центрального банка Республики Узбекистан

**Центральный банк Республики Узбекистан установил с 17 июля 2018 года следующие курсы иностранных валют к суму для ведения бухгалтерского учета, статистической и иной отчетности по валютным операциям, а также исчисления таможенных и других обязательных платежей *)**

| | | |
|---|---|---|
| 1 доллар США – 7787,81 | 1 швейцарский франк – 7775,37 | 1 украинская гривна – 297,02 |
| 1 ЕВРО – 9100,06 | 1 дирхам ОАЭ – 2120,40 | 1 польский злотый – 2109,55 |
| 1 российский рубль – 124,54 | 1 египетский фунт – 436,54 | 1 кувейтский динар – 25719,32 |
| 1 фунт стерлингов – 10304,83 | 1 австралийский доллар – 5780,89 | |
| 1 южнокорейская вона – 6,90 | 1 турецкая лира – 1604,34 | |
| 1 японская йена – 69,31 | 1 сингапурский доллар – 5703,68 | |
| 1 малайзийский ринггит – 1922,92 | 1 СДР – 10918,43 | |
| 1 китайский юань – 1164,10 | 1 канадский доллар – 5918,24 | |

***) Курсы установлены без обязательств Центрального банка Республики Узбекистан покупать или продавать валюты по данному курсу.**

# Бундай қишлоқда яшашнинг гашти ўзгача



(Давоми. Боши 1-бетда)

Ака-ука тадбиркорлар Бахтиёр ва Абдуқаюм Эминчаев томонидан соғломлаштириш маркази ва маиший савдо шохобчалари барпо этилмоқда. Маҳалла гузари, бахт уйи, гўзаллик салони каби 20 дан ортиқ маиший объектлар бутунлай янгидан қад ростламоқда.

«Акбарообод» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бунёдкорлик ишлари авжида. Кўчаларга 160 та тунги чироқ ўрнатилмоқда, 7 километр ички йўлларга асфальт ётқизилмоқда. 4 километр йўлакчалар таъмирланиб, гулзорлар ташкил этилди.

Айни пайтда мазкур ҳудудларда, афсуски, баъзи нохуш манзаралар ҳам учраб турибди. «Толмозор» маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркор Акромжон Муҳиддиновга қарашли ҳаммом таъмирдан чиқарилмоқда, лекин унинг атрофи умуман қаровсиз ҳолга ташлаб қўйилган. Ҳожатхона ҳам талабга жавоб бермайди. Туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан 20 дона чиқинди ташлаш контейнери сотиб олиш ва ўрнатиш белгиланган бўлиб, бу ҳам ҳозиргача бажарилмаган. Ваҳоланки, ёз кунлари ғанимат, демак, бу каби ишларга асло бепарво қараб бўлмайди.

Ҳа, бугун қишлоқларимизда одамларнинг ҳайратига, қувончига арзийдиган тарихий ишлар рўй бермоқда. Ободлик ва фаровонлик сари юз тутаётган манзилларда улуғвор мақсадларга бўлган ишонч бўй кўрсатиб турибди.

ТАҲРИРИЯТ ПОЧТА ҚУТИСИДАН
O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

# Ўз уйимда бегонадекман...

## ёхуд Қарши шаҳри ҳокими найрангларга нега кўз юммоқда?

Қашқадарё вилоятидан келган бу номани ҳеч қаерини ўзгартирмасдан чоп этишга жазм этдик. Чунки мактубнинг ўзида деярли барча гаплар айтиб бўлинган, ҳеч бир ерига ўзгартириш киритишнинг ҳожати йўқ.

«Чиндан ҳам ўз уйимда бегонаман. Шунақаси ҳам бўларканми, деяпсизми? Бўлар экан! Мана, менинг уйим бузилди-ю, оромим йўқолди. Ҳамма қатори мамлакатимизнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида, хусусан, Қарши шаҳрида ҳам эски ва пастқам уйлар ўрнига муҳташам иморатлар қурилаётганида жуда қувонган эдим. Тўғриси, яшаётган уйим – Қарши шаҳридаги «Ўзбекистон» кўчаси, 6-уй, 6-хонадон бузилиб, ўрнига янги, замонавий муҳташам иморат қурилиши ва унда истиқомат қилишим ҳақида ўйлаб, жуда ғурурлангандим.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Қарши шаҳридаги «Махсус ускуна монтаж қурилиш таъмир» масъулияти чекланган жамияти раҳбари О. Эргашев мен билан шартнома имзолади. 2015 йилнинг 26 августида имзоланган бу шартномада менинг уйим бузилишга тушгани ва унинг ўрнига қурилаётган уйдан менга умумий майдони 84,42 квадрат метрдан кам бўлмаган (ана шу рақам шартномада кўрсатилмаган, ўрни очиқ қолдирилган) уй беришлари ҳақида кўрсатилган эди. Шунингдек, шартномада уйнинг ички қурилиш ишлари мен томонимдан амалга оширилиши ҳам белгиланганди. Уйни топшириш ишлари 2016 йилнинг 31 декабригача деб шартномада қатъий қайд этилган.

Аммо, бугун мени ташвишга солаётган нарса шундаки, шартнома номигагина тузилган. Унда собиқ «Ўзбекистон», ҳозирги Ислом Каримов кўчасидаги қурилган уйдан менга умумий майдони неча метр квадрат уй-жой берилиши, қайси қаватдан тақдим этилиши ёки қайси уйдан берилиши белгиланмаган. Шартномада белгиланиши кўрсатилган жой очиқ қолдирилган. Ҳатто шартномага «Махсус ускуна монтаж қурилиш» масъулияти чекланган жамияти раҳбари муҳр босмаган. Боз устига, ўзаро тузилган шартнома давлат тилида ёзилмаган.

Шунинг учун бўлса керак, бугунги кунда шартномада кўрсатилмаган талаблар юзага келмоқда. Яъни, мен ўзимга ажратилган уйга кирдим ва ичкаридаги менга юклатилган тугалланмаган қурилиш ишларини ниҳоясига етказдим. Ҳаммасини ўз ҳисобимдан амалга оширдим. Шу боис мазкур уй менга тегишли бўлиши керак эди. Бироқ, «Махсус ускуна монтаж қурилиш» масъулияти чекланган жамияти раҳбари шартномада белгиланган шартларни бажаришдан бош тортяпти. Гарчи уй меники, мен унда яшаб турган бўлсам-да, бу уйда бегонадекман. Сабаби нима, деяпсизми? Сабаби шундаки, яшаб турган уйим менинг номимга ҳамон расмийлаштирилмаяпти. Кўрсатилган важ эса мени мутлақо қониқтирмайди. «Махсус ускуна монтаж қурилиш» масъулияти чекланган жамияти раҳбари О. Эргашевнинг фикрларига кўра, менга ажратилган уйнинг умумий майдони каттароқ экани баҳона қилиниб, мендан 20 миллион сўм миқдорида қўшимча тўлов талаб қилинмоқда.

Ваҳоланки, мен уйни чала, яъни ичида қурилиш ишлари бажарилмаган ҳолда қабул қилиб олганман. Бу ишларни ўз маблағим ҳисобидан якунлаганман. Шундай бўлгач, шартномада белгиланган тарзда уйни менга ҳеч қандай қўшимча маблағ талаб қилмасдан тақдим этишлари ва менинг номимга расмийлаштириб беришлари шартдек. Энди дўппини бошдан олиб, бир ўйлаб кўрайлик. Бу 20 миллион сўм қайдан пайдо бўлди? Ўзим нафақадаман. Қарамоғимда яна бошқа ўғил-қизларим, келинларим ва набираларим бор. Ахир шартномада ундай сумма кўрсатилмаган-ку!

Менинг назаримда, «Махсус ускуна монтаж қурилиш» масъулияти чекланган жамияти шартномадаги уй-жойнинг умумий майдони кўрсатилиши белгиланган жойни нима сабабдан очиқ қолдирганини энди тушундим. У мендан 20 миллион сўм қўшимча маблағ ундириш учун шундай ноқонуний йўл тутган экан-да.

Мен қорнимга эмас, қадримга йиғлайман. Ахир, Қарши шаҳар ҳокими А. Ачилов ва Қарши шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж. Фозилов (ҳозирда ҳоким) имзоси билан 2015 йил 2 сентябрь санасида 1/971-сонли кафолат хати олганимда, унда менга «Махсус ускуна монтаж қурилиш» масъулияти чекланган жамияти томонидан 2015 йил 26 августдаги 9-сонли шартномага асосан мазкур уйнинг ўрнида қурилаётган кўп қаватли уй-жойнинг 3-қаватидан умумий майдони 89,35 квадрат метрдан кам бўлмаган таъмирсиз хонадон ажратилиши белгиланган эди-ку! Агар мен 20 миллион сўм қўшимча пул тўлашим керак бўлса, нега Қарши шаҳар ҳокимининг кафолат хатида бу рақам кўрсатилмаган?

«Махсус ускуна монтаж қурилиш» масъулияти чекланган жамияти директори О. Эргашев 2015 йил 28 августдаги 52-сонли кафолат хатида «Сиз яшаб турган «Ўзбекистон» кўчаси, 6-турар жой биноси ўрнига янги кўп қаватли биринчи қавати нотурар жой бўлган 4 қаватли турар жой биносининг учинчи қаватидан умумий майдони 84,42 квадрат метрдан кам бўлмаган хонадонни бепул ички қурилиш, таъмирлаш ишлари бажарилмаган ҳолатида, яъни шартноманинг 2.2.4.-бандида кўрсатилган ишларисиз топширишга кафолат беради» деб қайд этилган.

Ўз уйимда бегонадек яшаётганимдан Қарши шаҳар ҳокими ва «Махсус ускуна монтаж қурилиш» масъулияти чекланган жамияти директори ҳеч ҳам куйинишаётгани йўқ. Улар мендан 20 миллион сўм пул топишга қийналаётган бўлсам, банкдан кредит олиш йўлларини айтишмоқда. Тўғри, банкдан кредит олишим ҳам мумкиндир, унда ўзим яшаб турган уй ва унинг қиймати қайда қолди? Нега ўзимнинг уйим бўла туриб, уни яна қайтадан банк кредити, фоизи билан сотиб олишим керак?

Биз адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан боряпмиз. Ҳамма соҳада янгиланишлар кўзга ташланяпти. Бундан ҳар бир фуқаро мамнун. Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, минг афсуски, юқоридаги каби баъзи нохуш ҳолатлар ҳам учраб турар экан. Умид қиламанки, таҳририят аралашуви билан мени қийнаб келаётган бу муаммо тегишли ташкилотлар томонидан синчиклаб ўрганилиб, ҳақиқат йўлида адолатли қарор чиқарилади».

**Мунаввар ШАРИПОВА,**
**Қарши шаҳри.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

Муассис: «ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» Нашриёт уйи МЧЖ

Бош директор – Дилшод Жалолов

Таҳрир ҳайъати:
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шухратходжа Хашимов, Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Бўрибой Бекмурзаев, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков, Обиджон Носиров.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Абдумуталлиб Ўктамов
Саҳифаловчи – Эркин Усмонов
Мусаҳҳиҳ – Дилфуза Хабибова

Таҳририят ҳамкорлари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, қурилиш-лойиҳалаш институтлари

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: (қабулхона) 244-21-71, (котибият) 244-05-15 (факс), 244-15-13, (бухгалтерия) 244-22-10, (реклама ва обуна бўлими) 244-21-71, 244-40-68 (факс).
E-mail: uzbunyodkor@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: (90) 278-95-87.
Қашқадарё вилояти бўйича: (90) 720-33-03.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: (93) 466-74-84.
Самарқанд вилояти бўйича: (95) 560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-707.
2270 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – А. Ўктамов
Навбатчи – Э. Ҳалилов
ЎзА якуни – 22.55. Топширилди – 23.30.

12 456